

ХАЛҚ СУЗУ

ХИЖРИЙ,
ҚАМАРИЙ, 1413 ЙИЛ,
САФАР, 27-КУН.
ШАМСИЙ,
1371 ЙИЛ,
СУМБУЛА, 5-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенashi ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 27 АВГУСТ, ПАЙШАНБА, 166-СОН • 117 •

НАРХИ: СЎТУВДА 2 СЎМ.



ҲУРЛИК ОРЗУЛАРИМНИНГ НУРЛИ КОШОНАСИДИР, БУ КУНЛАР ИСТИҚВОЛНИНГ ОЛТИН ОСТОВАСИДИР!

Украина—Ўзбекистон: давлат даражасидаги муносабатлар

25 август куни Президент Ислам Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикасининг давлат делегацияси Украинага расмий ташриф буюрди. Украина пойтахтининг Бориспол аэропортида олий мартабали ўзбекистонлик меҳмонларини Бош вазир В. Фокин, Ташқи ишлар вазир А. Зленко, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Ўзбекистонлик меҳмонлар Киевга келгач, Ўзбекистон Президентини ва унинг ҳамроҳларини тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Украина пойтахтининг марказида, Мария саройи ёнида Ислам Каримовга Украина Президентини Леонид Кравчук пешвоз чикди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди, иккала давлатнинг байроқлари кўта-

рилди. Украина ва Ўзбекистон гимнлари янгради. Сўнгра Президентлар яқма-яқка учрашув ўтказишди. Шундан кейин музокаралар кенг таркибда давом эттирилди. Шу кунги кечкурун икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Иккала давлат Президентлари давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги, Украина билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартномага имзо қўйдилар. Украина Бош вазир В. Фокин билан Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги давлат котиби Р. Раҳимов Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги кўмулари ўртасида 1993 йилги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги шартнома имзоландилар. Икки

мустақил давлат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган ҳақидаги протокол ҳам имзоланди. Мазкур ҳужжатлар имзолангандан кейин Президентлар — Ислам Каримов билан Леонид Кравчук ўзаро муносабатларнинг саволларига жавоб қайтардилар. Улар Киевда имзоланган ҳужжатларни юқори баҳоладилар, бу ҳужжатлар Украина — Ўзбекистон муносабатларининг сифат жиҳатдан янги поғонага, икки мустақил давлат ўртасидаги ўзаро муносабат поғонасига кўтариш имконини беражанини айтдилар. Иккала Президент Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ва маданий алоқалар иккала давлат халқлари-

нинг фаровонлиги йўлида тез ривожланиб боришига ишонч билдирдилар. Журналистлар билан учрашув тугагач, Украина Президентини Леонид Кравчук Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов шарафига расмий зийфат берди. 26 август куни эрталаб олий мартабали ўзбекистонлик меҳмон ва унинг ҳамроҳлари Украина пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Соат 12 да Мария саройи ёнида Ўзбекистон Президентини расмий кузатиш маросими бўлди. Чошгоҳда Ислам Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси Тошкентга учиб кетди.

**А. СИРОКИДИНОВ,
И. ГРУШКО,
ЎЗА МУХБИРЛАРИ.**
Тошкент — Киев.

Мулкчилик шакллари

ХЎЖАЙИНЛИК ТУЙҒУСИ

Мулkning, хусусан жамоа чорва молларининг ўртада бўлиши аниқликда қутилган самарани бермайди. Бу ҳол, айниқса, кейинги йилларда яқоқ бўлиниб қолди. Катта-катта маблаглар сарфланганига, илчи кучи, мутахассислар, тадқиқотчиларнинг, техника воситалари жалб қилинганлигига қарамай жамоа ва давлат хўжалиқларида гўшт, сут, тухум етиштириш камаймоқда.

Нега? Чунки мулк ўртада бўлгач, ундан фойда кўриш ҳам унча-мунча кишини интиқирмай қўйди. Молбоқар ферма мундирдан, мундир эса раси ёки директордан танбеҳ эшитмас бўлган — у ёни бир гап бўлар. Яъни, мутасадди кўпу, жонқур йўқ. Чунки йил бўйи фермада қора терга ботиб ишлайдиган чорвадор ҳамини «мирзақуруқ». Шу сабабли у ҳам амал-тақал қилиб кун ўтказиш иложини топиб ҳовлисидаги наввосу ситиритга фермадан бир тутам емиш ундирши иложига ўтиб олган...

Хуллас, ҳаётнинг ўзи «жамоа мулкчи» хусусийлаштиришни тақозо этаётди. Деҳқон-фермер хўжалиқлари эса ана шу мулкчиликнинг бир кўринишига айланмоқда. У ўзини қанчалик оқлайди, қандай самара беради — буни вақт кўрсатади. Лекин ҳар ҳолда инқилобдан кейин «бой», «қўлоқ», деб тутатилган яқма деҳқончилик ва чорвачиликнинг бу усули қайси шаклда бўлмасин қайта тикланаётгани таҳсинга сазовордир.

Хозирги пайтда Самарқанд вилоятида 1200 га яқин деҳқон-фермер хўжалиқи мавжуд. Шулларнинг 1050 таси чорва маҳсулотлари етиштириш билан машғул. Лекин уларнинг барчаси ҳам маданий ростлай олмапти. Бунинг сабаблари кўп, Маблаг етишмаслиги, хўжалиқларнинг расмийлаштиришдаги сарсонгарчиликлар ҳам йўлга тўсиқ бўлаётди. Бироқ камчиликларга қарамай кўпгина фермер хўжалиқлари қаддини дадил ростлаётганини ҳам эътироф этиш керак.

Самарқанд вилоятининг Гузалкент туманидаги Низомиддин Бекназаров бош-

лиқ «Иқтисод» деҳқон-фермер хўжалиқи ана шулардан бири. Низомиддиннинг асли касби ветеринари фельдшер. Анча йил Улғабек номли жамоа хўжалиғида мутахассислиги бўйича меҳнат қилди.

— Ишим ёмон эмасди, — дейди у. — Аммо ундан кўнглим тўлмади. Негаки, қанча тиришиб ишласам ҳам маошим бир маромда тураверарди. Базан тушу кун фермада қўлиб кетган пайтлар жуда ўтиб кетарди — чунки ўн соат меҳнат қилсанг ҳам, ўн беш соат ишласанг ҳам ойлук ўша-ўшада. Қолаверса, Моллар маҳсулдорлигини ошириш бўйича белгиланган меъёр бажарилмас эди. Чунки бу нарса чорвадорнинг моддий манфаатдорлигига асосланган эмасди. Шундай экан, мени ҳам жон кўйиб ишларди дейсиз?! Одамларнинг кўнглини ишдан соғунаганидан бундай тартиблар қорам мавжуд. Уларни йўқотган одам савобга қолади.

Хуллас, 1991 йилнинг бошида давлатдан 56 миңг сўм қарз олиб, деҳқон-фермер хўжалигини оқдим. Яъни, ўзимни сиёб қўришга қарор қилдим...

Низомиддиннинг хўжалиғи ҳозирча унча катта эмас. Ўн беш беш қорамол боқилапти. Уларнинг ярми соғин ситир. Ўтган йили емишашакли шартнома бўйича хўжалик етказиб бериб турди. Фермер эса жамоа хўжалиғига 1200 килограмм гўшт, 10 тонна сут тоширди. Бу йил ўн беш тонна сут, бир ярим тонна гўшт етиштириш ниятида.

— Аввалга жуда қийналдим, — дейди Низомиддин. — Айниқса, илдорамат илдорамат хўжалиқ тўғрисида, қарага пул олиш азоб бўлди. Бехуда киришган эканман, деган ҳаёлга ҳам худудидан жойлашган жамоа хўжалиқлари раҳбарларига боғлиқ бўлиб қолаётди. Ҳолбуки, ишбилармонлик, тадбирдорлик том маънодаги мустақилликка боғлиқ. Фақат шундангина уларнинг фаолияти янада кенг қулоқ ёйиши, эл юрт маъмуричилигига кўпроқ ҳисса қўлиши мумкин.

да ўн йиллик муддатга беш гектар ер оқдим. Керакли озуқани ҳам ўзимиз етиштирамиз. Ана ўн беш беш зотли гўнажини соғитиб олмақчиман. Лекин тракторга қўрибмиз етмапти. Нархи қиммат. Фермер хўжалиқларига мўлжаллаб республикада ихчам тракторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқ лозим.

— Ҳа, ҳозирги фермернинг муаммолари кўп. Лекин уларда эртанги кунга ишонч катта. Чунки давлат уларни оёққа туриб олсин деб икки йил соқидан овоз қилган. Ани пайтда «Иқтисод» фермер хўжалиғи ҳар кунги 50—60 килограмм сут тоширмоқда.

Шу ерда бир нарсани алоҳида айтиш керак. Низомиддин бошлиқ фермер хўжалиғидан етиштирилган сутнинг жамоа хўжалиғида олинадиганидан фарқи катта. Сарфланган харажат камлигига қарамай, йиллик даражаси юқори. Шунинг учун унинг ҳар бир литри эми юқори нархда харфи қилинмоқда. Деҳқон-фермер хўжалиғидаги битта ситир кунига 10—12 литр сут бераётди. Жамоа хўжалиғида эса бу кўрсаткич 5—6 литрдан ошмайди. Қолаверса, пeshона тери билан топилган пулга фермернинг ўзи хўжайин. Шу сабабли у ҳар бир тийини тежашга интилади.

Хозирги пайтда Самарқанд вилоятининг нисбатан кичик туманларидан бўлган Гузалкентнинг ўзида бундай фермер хўжалиқлари сонини ўттиздан ошди. Уларга банк орқали 1 миллион 230 миңг сўмдан кўпроқ қарз берилди. Бироқ ҳали уларнинг йўлидаги тўсиқлар анчагина. Негаки фермер хўжалиқлари фаолиятида кўп нарсалар ўша туман, қолаверса улар худудидан жойлашган жамоа хўжалиқлари раҳбарларига боғлиқ бўлиб қолаётди. Ҳолбуки, ишбилармонлик, тадбирдорлик том маънодаги мустақилликка боғлиқ. Фақат шундангина уларнинг фаолияти янада кенг қулоқ ёйиши, эл юрт маъмуричилигига кўпроқ ҳисса қўлиши мумкин.

**М. МУҚИМОВ,
Т. ШОМУРОДОВ.**


ДИЛКАШ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон ХДПСи ҳам Мустақиллик кунини шарафига хилма-хил тадбирлар ўтказмоқда. Шу кунларда партия Марказий Кенashi ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюмшаси ташаббус билан республикамизнинг барча вилоятларидан таниқли адабларининг барча ҳалқ жамоалари ва аҳоли истиқомат жойларида фуқаролар билан учрашувлари бўлиб ўтаётди. Ўзбекистон ХДП МК иккинчи котиби Муқимов Қирғизбоб раҳбарлигидаги Иброҳим Раҳим, Худойберди Тўхтабоев, Жуманиёз Жабборов, Миршўла Мирзаев, Хусниддин Шарипов, Мухаммад Юсуфлардан иборат иккунли гуруҳ аъзолари гузал Фарғона водийсининг сўлим шаҳар ва қишлоқларини айланиб чикдилар. Ҳамма ерда меҳмонларни халқимизга хос ҳурмат-эҳтиром билан, кўчқочиб кутиб олдилар. Иқтисодий бўҳрон ва бозор муносабатларига ўтаётганимиш тўғрисида турмушимиз биринчи оғирлашган бўлса ҳам, халқимиз яхши сузга, дилкаш сузхатга, дилрабо шеърни ҳикоятга хуллас маънавий озуқамга муҳтож экан.

Қизғин кутиб олган меҳмонларни меҳнат жамоаларининг ишлари, режалари, қувонч ва ташвишлари билан танишдилар. Жумхуриятимиздаги аҳвол, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин амалга оширилаётган ишлар, Президентимиз Ислам Каримов бошчилигидаги республика раҳбариятининг аҳолини ижтимоий яқиндан ҳимоя қилиш, ҳукуматимизнинг фаол ташқи сиёсати, чет мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, илғор хоржий тақрибларини ўрнатган қаратилган ҳаёт-ҳаракатлари тўғрисидаги билан мисоллар жонли боийтилган диққовлар мароқ билан тингиланди. Саюл-жавоблар, фикр-мулоҳазалар, истақ ва таклифлар бир-бирга улашиб кетди. Қийинчиликларимиздан фойдаланиб қолтига ури-наётган нопок кишиларга, қайқончилар, қонунбузарлар, ўрни-туғнаҳамларга қарин қурашни қувайтиришни тегишли давлат идоралари, ҳокимларни талаб қилиш тўғрисидаги таклифлар ҳам кўп бўлди.

Ҳақ билан тега-тез шундай учрашувлар ўтказиш, унинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиш ёзувчи учун ҳам, сиёсий ходим учун ҳам китобхон учун ҳам беҳиқдор фойдали эканлиги қайта-қайта эътироф этилди.

С. ҚУРБОНОВ.



Зафаробод туманидаги генерал Собир Раҳимов номли давлат хўжалиғи пахтакорлари Республика мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан ўз зиммаларига режадаги 8 миңг 300 тонна ўрнига 8,5 миңг тонна пахта етиштириш мажбуриятини олдилар. Баҳордаги ноқулай об-ҳаво тўғрисида икки марта бузиб экилган дала-ларда мўл ҳосил тўпланди. Ҳозир 90 та терим агрегати шайлаб қўйилди.

СУРАТДА: хўжалиқ раҳбари Тошпўлат Эргашев ва звено бошлиғи Раҳматулла Омонов. **К. ЖУРАҚУЛОВ** олган сурат.



«МУСТАҚИЛЛИК ВА АДАБИЁТ»

Кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг мажлислари зали лик тўлди. Улар бу ерга Республика мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан йиғилдилар. Анжуманда адаблар, шоирлар, маданият арбоблари, маъмурият ва диний идоралар вакиллари, матбуот ходимлари фаол қатнашдилар. Йиғилганлар «Мустақиллик ва адабиёт» мавзусида қизқарлик суҳбат ўтказдилар. Йилнинг бошlab берган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари Эркин Семандаров бугунги кун муносабатлари, талаблари, адабиёт ва маданият ходимларининг олдига турган муҳим вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Шундан сўнг сўз олган Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси Иззат Султон, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров, адабиётшунос олим Бағдод Қосимов, санъатшунос Бақридин Насриддинов, ватандошларимиз Зайнадин Бобоқурбон (Олмоний), Шариф Журжоний (Афғонистон), Махкам Умаров (Олмаота), шоирлар Азим Султон, Моҳиғул ва бошқалар ўз орақ сузларини илҳор этдилар.

Ўзбекистон ва дунё

ХИТОЙ САМОЛЁТИ ТОШКЕНТГА ҚЎНДИ

Кеча эрталаб Тошкент аэропортига Синьцзян миллий авиакомпаниясининг ТУ—154 самолёти келиб қўнди. Бу Ўзбекистон пойтахтидан Синьцзян автоном райони бош кентига «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг ИД—86 аэробусида қилинган сафаридан икки кун кейин содир

бўлди. Шу босидан айтиш мумкинки, Хитой самолётининг Тошкентга қўниши бизнинг яхши ният билан қилган сафаримизни тўлдирувчи ва ушбу ҳамкорлик мақсадини қўллаб-қувватловчи Унча хос ташрифдир. Буни образли қилиб айтишга бўлса: Ўзбекистонлик авиаторлар техник учиниш амалга

ошириб, ўрмичига янги йўл очди, хитойлик учувчилар эса ушбу маршрутда биринчи бор парвоз қилдилар. Ўрмичидан келган делегация таркибидан юздан ортиқ вакиллар — журналистлар, туристлар, авиакомпания ходимлари бор. Тошкент аэропортида меҳмонларни гуллар билан кутиб олишди, му-

сиқа садолари янгради. Энди тўла ишонч билан айтиш мумкин: Ўрмичи — Тошкент ҳаво йўли Сизни, Бизни — Ҳаммамизни кутмоқда!

СУРАТДА: Тошкент аэропортида меҳмонларни кутиб олди.

А. ЗУФАРОВ олган сурат.



• Ҳамкорлик робиталари

ЛИЦЕЙ МАШҒУЛОТГА ТАЙЁР

Хоразмда ўғил болалар учун очилган биринчи хусусий турк лицейида биринчи сентябрь кунини 100 ўқувчи машғулот бошлади. Мазкур bilim даргоҳидан ўрин олиш учун вилоят шаҳарлари ва мактабларининг уч юз ўқувчиси арза берган эди. Тест усулида сиёб кўриш натижаларини компьютерлар аниқладилар. Уқишга кирувчиларнинг билими қўлгина фанлар бўйича, қайси соҳаларга қизиқиши ва билим доирасининг кенглиги бўйича текшириб кўрилади. Ҳеч қимга ёки босилмади. Урганч, Хива шаҳар-

лари ва Шовот тумани ўрта мактабларидан келган йиғилчаларнинг билим даражаси биринчи юқори бўлиб чикди. Лицейда асосий фанлардан туркилик ўқитувчилар дурс беришади, улар тез орада Урганчга етиб келишади. Инглиз тили, кимё, математика, физика, биология асосий фанлар ҳисобланади. — Ҳозирча лицейимизда ўрта мактабларнинг бошчи ва саккизинчи синфларини битирганларга таълим бера-

миз, — дейди лицей директори Муса Озат. — Ўзбекистон ва Туркия Таълим вазирилари шундай тўхтамга келганлар. Уқиш учун пул тўланади, аммо биринчи йили ҳамма харажатларни Туркия томони ўз зиммасига олди. Биз мустақил Ўзбекистон ўқувчиларига ўзига хос тарзда мана шундай ёрдам бермоқчимиз. Шу дам олишлари ҳам мумкин.

Лицейдаги таълимнинг кўп қисми билдираётганликларни жуда қувончидир. Маҳаллий ҳокимият раҳбарлари ҳам бу ишга рағбат билдириб, ўқув юрти учун Урганч марказидаги кўп қаватли чиройли бинони ажратиб берди. Талабаларимиз ахши ерда ўқиб билан берадиган ширинликларга ҳам мумкин.

**Ю. ИБРОҲИМОВ,
(ЎЗА МУХБИРИ).**

С. ҚУРБОНОВ.

ИҚТИСОД ЯНГИЛИКЛАРИ

ЎЗ ЗАВОДИ БОР

Самарқанд туманидаги «Дустлик» жамоа хўжалиги яқинда ўз консерва заводини яна қўйдди.

Вилоятда энг кўп сабабот етиштирилган бу хўжалик шу пайтга қадар дала-лардан йиштириб олинган ҳосилни Самарқанд шаҳридаги «Уроқ ва Болга» консерва комбинатига топширади. Лекин хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш учун корхонага элтиш давомида унинг бир қисми ироф бўлади. Энди бунга чек қўйилди.

Жамоа хўжалигининг консерва заводи бир йилда миллион шартли банка маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир. Лекин бунча миқдордаги маҳсулот давлат буюртмаси бажарилгандан кейин, планга қўшимча топширилган нарам, бодрий, помидор ҳисобига тайёрланади. Шу тариқа вилоятдаги яна бир йirik жамоа хўжалиги қўшимча даромад олишини ишончи манбаига эга бўлди.

ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРМОҚДА

Каттақурғон шаҳрида маҳаллалар хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатишга ўтказилмоқда.

Яқинда шаҳардаги «Навабахор» маҳалласи биринчи-лар қаторида шу ишга қўл урди. Хўш, қандай қилиб маҳалла ўзини-ўзи маблаг билан таъминлаши, мустақил хўжалик юритиши мумкин?

Масалан, унинг ҳудудидаги учта сартароҳхона маъиний хизмат бошқармаси тасарруфидан олиниб, маҳалла ихтиёрига берилди. Шунингдек, жувозхона, новойхона, ҳола таёрлайдиган цех ҳам энди маҳаллага берилди. Яна шуниси эътиборликки, бундай янгилик иш тутмига ўтганларни қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳардаги қорамолларни санаят асосида бурдоқига боқий корхонаси унга битта трактор, 2518-автомобиль саройи эса КамАЗ автомашинасини ажратди. Шу тариқа ўзини-ўзи маблаг билан таъминлай оладиган маҳалла вужудга келди.

ЖОЙИДА ҚАЙТА ИШЛАНДИ

Жорий йилдан бошлаб Пайариқ туманида етиштирилган жами пахта ҳосили шу ернинг ўзида қайта ишлангани бўлди. Жиззах вилоятида фаолият кўрсатаётган «Сангзор» деб номланган Америка — Ўзбекистон қўшма корхонаси туман марказида йилига 30 минг тонна пахтага қайта ишлайдиган завод қўрмоқда. Корхонани тайёр ҳолга келтириш ҳамда уни зарур ускуналар билан таъминлаш учун 60 миллион сўм сарфлаш мўлжалланаётди.

Истиқлол оғушлари: Самарқанд

Кеча ва бугун

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг бир йиллиги-га Самарқанд вилоятида қандай тадбирлар амалга оширилди? Шу ҳақда сўзлаб бериш учун вилоят ҳокимининг ўринбосари Акрам ХУДОЙҚУЛОВга му-рожаат этдик.

— Акрам Худойқулович, бир йил тарих учун аслида бир лаҳзадек гап. Лекин, баъзан давлатлар, халқлар ҳаётида туб бурилиш ясаган бир кун ҳам асрлар давомида авлодлар хотирасида ўчмас из қолдиради. 1991 йилнинг 1 сентябри ўзбекистонликлар учун шундай сана бўлиб қолиши мўъаррар. Бугунги суҳбатимиз аввалида мустақиллик сари қўйилган илк қадамларга, босиб ўтилган йўлга бир назар соلسак...

— Албатта, 1 сентябрь бундан буён Ўзбекистон солиқ-масида шотли сана бўлиб қолиши аниқ. Чунки, 1991 йилнинг шу кунинда узок вақт йўқотилган Ўзбек давлатчилигига қайта асос солинди. Унинг тамал тоши қўйилди. Асрлар давомида топталиб келинган халқимизнинг шаъни-ғурурини яна тиклаш учун қутлуғ қадам босилди.

Энди бутун жаҳон бизнинг қимлигимизни, илдизларимиз қаерларга бориб тақаллини аниқламоқда. Шу пайтга қадар дунёнинг бошқа мамлакатларида бўлаётган воқеаларни Москванинг кўзи билан кўриб, қулони билан эшитиб келардик.

Ушбу бир йил вилоятимиз ҳаётида қандай из қолди-ди? Хом шиб тақчиллик, бошқа давлатлардан олинган-дан ускуна ва турли жи-ҳозларни келтиришда уз-лишларни бўлаётганига қа-рамай, вилоят ҳудудида жой-

қоя сўзлаб туради. Қола-верса, булар барча Ўзбе-кисгонликларнинг маданий мулки ҳамдир. Маънавий қадриятларимиз тикланаёт-ган бугунги кунда биз ана шу бебаҳо меросга алоҳи-да эътиборни қаратдик. Хо-н-зирги пайтда Самарқанди «қайта тиклаш» фонди ту-зилиб, унинг фаолият қи-ла-ми тобора кенгаймоқда.

Бундан ташқари, ўтган бир йил ичида Темурийлар дав-

лат-этиборга сазовор бўлиб келганлар. Ўзбек классик адабиётида муносиб ўрин тутган, республикамиз жамо-атчилиги томонидан 200 йил-лик юбилейи нишонланаёт-ган иқтидорли шоира ва давлат арбоби Моҳларойим — Нодирабегим ҳаёти, бу-нинг ёрқин намунаси.

Аммо кейинги вақтларда баъзи аёлларимиз асрлар мобайнида ардоқланиб келинган миллий урф-ода-ларни четга суриб, евро-палашган сохта «маданият» кетидан қувшига тушдилар. Оқибатда оналарда ҳур-матсизлик ва бевафалик ҳо-латлари вужудга келмоқда. Енгил ҳаётга интиқ айрим-бш оналар фарзандларини етихоналарга топшираётди.

Ўзбек аёлларининг шарқо-на қадриятларини қайта тик-лаш ва уларнинг хотин-қиз-лар тарбиясидаги моҳиятини ошириш мақсадида вилоят ҳокимлиги ана шу муко-фотни таъсис этди.

Моҳларойим — Нодирабе-гим номидаги мукофот ви-лоятда яшаб, мەхнат қи-ла-ётган ҳалол, пок, меҳр-му-руватли, вафо-садоқатли, оилавий муносабатларда бо-ш-қаларга ўрнак бўладиган хотин-қизларга берилади. Ви-лоят ҳокими ҳар йили мус-тақиллик байрами арафаси-да — 29-30 августда ўз қа-рори билан мукофот лау-реатларини эълон қилади.

Мат-этиборга сазовор бўлиб келганлар. Ўзбек классик адабиётида муносиб ўрин тутган, республикамиз жамо-атчилиги томонидан 200 йил-лик юбилейи нишонланаёт-ган иқтидорли шоира ва давлат арбоби Моҳларойим — Нодирабегим ҳаёти, бу-нинг ёрқин намунаси.

Аммо кейинги вақтларда баъзи аёлларимиз асрлар мобайнида ардоқланиб келинган миллий урф-ода-ларни четга суриб, евро-палашган сохта «маданият» кетидан қувшига тушдилар. Оқибатда оналарда ҳур-матсизлик ва бевафалик ҳо-латлари вужудга келмоқда. Енгил ҳаётга интиқ айрим-бш оналар фарзандларини етихоналарга топшираётди.

Ўзбек аёлларининг шарқо-на қадриятларини қайта тик-лаш ва уларнинг хотин-қиз-лар тарбиясидаги моҳиятини ошириш мақсадида вилоят ҳокимлиги ана шу муко-фотни таъсис этди.

Моҳларойим — Нодирабе-гим номидаги мукофот ви-лоятда яшаб, мەхнат қи-ла-ётган ҳалол, пок, меҳр-му-руватли, вафо-садоқатли, оилавий муносабатларда бо-ш-қаларга ўрнак бўладиган хотин-қизларга берилади. Ви-лоят ҳокими ҳар йили мус-тақиллик байрами арафаси-да — 29-30 августда ўз қа-рори билан мукофот лау-реатларини эълон қилади.

МОВАРОУНАХРНИНГ ЮРАГИ

яқин қўшма корхоналар фао-лият кўрсатмоқда. Уларнинг вилоят иқтисодий риво-жига қўшаётган ҳиссаси то-бора сезиларли бўлиб бор-моқда.

Самарқанди азалдан Мо-вароуннахрнинг юраги, деб таърифлашади. У кўп асрлар давомида дунё тарихида се-зиларли из қолдирган буюк салтанатларнинг пойтахти эди. Шаҳримиз бутун жаҳон чи-виллиция марказларидан бири бўлган. Бу ерда Магри-бу Машриққа ном кетган улуг аломалар, олиму фо-зиллар таҳсил қўришган, ижод қилишган. Унинг ба-ғи-рида қад кўтариб турган оби-далар ҳамон бизга аждо-ларимиз амалга оширган кўп аjoyиб ишлардан ҳи-

ронда шаҳар кўрпига кўри-қўшиб турган, унинг ҳақиқий фирдавсхонаид масканга ай-ланган Болгарин қайта бунд этиш учун кўп ишлар қилинмоқда.

Тўйга тўйна билан, деган-ларидек, байрам арафасида вилоятда кўпгаб янги ку-рилган ва қайта таъмирлан-ган мактаблар, болалар бо-ғачалари, уйлар, маданий-ма-ишый бинолар, автомобил-йўллари фойдаланишга топ-ширилди. Самарқанди тур-кидаги 1176 ўринли турк лицейи, жами 140 хонадон-ли учта уй, 10.000 та рақам-ли автомат-телефон стан-цияси шулар жумласидан-дир. Байрам арафасида ви-лоят бўйича йигирмата мак-таб биноси, бир неча уй-лар, савдо дўконлари, цехлар

донлаштириш юмушларини уюштирганмиз.

— Ўзбекистон Республи-касининг мустақиллиги эълон қилингандан кейин ўтган дав-р ичида Самарқанд вилояти-да ҳам халқимизнинг тарих-ий қадриятлари ва урф-ода-тларини тиклаш бораси-да қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бундай та-д-бирларни рағбатлантириш мақсадида яқинда вилоят ҳокимининг Моҳларойим — Нодирабегим номидаги му-кофотни таъсис этиш ҳақи-даги қарори кўпларнинг эътирофига сабаб бўлди...

— Шарқ аёллари, айниқса, ўзбек хотин-қизлари азал-дан ўзининг одоб-ахлоқи, садоқати ва меҳр-мурувати, ифрату ҳасби, фидойилиги ҳамда жасорети билан ҳур-



Нуробод туманидаги «Саг-гон» ижара хўжалигининг Нормурод Пулатов бошқара-ётган 3-бўлим ишчилари чо-ри-сонини йиштириб олини-ди. Ем-хошак тайёрлашда ме-хан-изаторлар Жўрабой Гадов- [суратда] намуна кўрсатиб иш-шак бригадаси самарали ме-х-лаётди. 710 гектар май-дондаги галладан 450 тонна сомон йиштириб олини-ди. Ем-хошак тайёрлашда ме-хан-изаторлар Жўрабой Гадов- [суратда] намуна кўрсатиб иш-шак бригадаси самарали ме-х-лаётди.

Мулоҳаза ДЕҲҚОН ЮРТНИ БОҚАДИ

Хўжаликни катта бир рўзгор-га қислаш мумкин. Бир то-вуққа ҳам дон, ҳам сув керак деганларидек, тежамкорлик билан хўжалик юритиш осон эмас. Сарфланган бир сўмин камийда 7-8 сўм қилиб қайта-риб олиш чораси кўрилма-экан, хўжалик синади.

Хозир техника, ёнгил, ми-нерал ўғит, ползетилан пёнка ва бошқа шунга ўхшаш сув билан ҳаводек зарур нарса-ларнинг нархи осмонда. Биз етиштиратган маҳсулурлар эса арзон. Бунинг устига, ерга нима экиш ҳам ҳали деҳқон инсон-ихтиёрида эмас. Менин-ча, энди хўжаликлар йўлидаги бундай тўсиқлар олиб ташла-ниш керак. Агар эркинлик берилса, бизда хозиргидан ик-ки баравар кўп сабзавот етиш-тириш, анча даромад олиш имкони бор.

Бу йил давлатга 5500 тонна ўрнига 6000 тоннадан зиёд ноз-немаат етказиб бермоқчи-миз. Айни куларда пишиб етилган помидор ва бошқа сабзавот, мевалар истеъмол-чиларга тортиқ қилинмоқда. Бундан ташқари, анча узумзор ҳам бор. Бироқ, уллардан оли-наётган даромад бизни қано-атлантирмайди.

Жамоа хўжалиги деҳқончи-лик қилиш, маҳсулот сотиш, қайта ишлаш соҳасида ҳуқуқий жиҳатдан мутлақо хусусий корхона бўлиши лозим. «Ху-сусий» деганда мен бир ки-шига мансуб мулкни назарда тутаялман. Тўлиқ давлат та-сарруфидан чиқарилган жамоа мулкни айтаялман. Майли,

Х. БОЙМУРОДОВ, Тойлоқ туманидаги Амвр Темур ноили давлат хўжали-гининг директори.

Истиқлол куртаклари ТАДБИРКОР ЮТҚАЗМАЙДИ

Ташкилотимиз курувчилари олдига вилоят колхоз-совхозларида қурилиш-монтаж ишларини бажариш ва-зифаси қўйилган. Бу йил ўн бир миллион сўмлик ана шундай юмушларни бажаришни режелештирганмиз.

Ҳар хил ишлар — болалар боғчаси, дала шийони, жа-моат бинолари ёки чорвачилик комплекслари қуриши-ни ўз вақтида амалга ошириш осон эмас. Негаки, бун-дай ишшоотларнинг қурилиш хусусияти, талаб этилади-ган материаллар, ишлатиладиган техника воситалари, меъморлик, техник-иқтисодий өччилари бир хил эмас. Бу эса қурилишда катта қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Аммо биз кўп қовуштириб ўтирганмиз йўқ. Жа-моамиз ақил. Мураккаб вазифаларнинг мақбул өччи-ларини қидириб топаёмиз. Бунда ҳали айланимдек, мустақил ишлаш имкони кўп келяпти.

Ихтиёр ўзингда бўлса, имкониятлар кенгайиб бора-кан. Илгарй бажарадиган барча ишимиз бошқа ташки-лотларга боғлиқ қилиб қўйилганди. Мисол учун Паст Дегром гишт заводидан ҳар йили 500-600 минг дона гишт сотиб олардик. Жуда қимматга турарди.



Нуробод туманидаги Кат-тақурғон қоракўлчилик дав-лат хўжалиги ишчилари 12 миң гектар галларзорнинг ҳар гектаридан 6,5 центнер ўр-нига 13,5 центнердан сара дон йиштириб олишаётди.

СУРАТДА: хўжалик ҳоси-лоти кўчор Бобоев галла-зорда.



Абдуҳалиқ АБДУМУРОДОВ, вилоят деҳқончили-санаят уюшмасининг хўжалик-лараро 2-қурилиш бошқармаси бошлиғи.

Хосият БОБОМУРОВОДА БОРМИСАН, ЎЗБЕК

Белбоғнинг адашди, тўнинг адашди, Пичоғнинг адашди, хунинг адашди. Умринг талотўп кўчаларида Эгачинг адашди, ннинг адашди, Бўйингни бир кўрсат, бормисан, ўзбек?

Темурийнинг оёғи қўрқ юртга етди, Улуғбекнинг қўли юлдузга тутди, Навойнинг сўзи, Бобурнинг сўзи Абад ўлим билмас йўлларга кетди, Мангулик боғида сормисан, ўзбек!

Жавоб топ, қайдадир Машрабнинг боши, Нечун Нодиранинг кўзида ёши, Усмонинг, Чўлпонинг, Фитратинг қани, Бу элиниг шунчалик кўпми, бардоши, Нажотисан ёки дормисан, ўзбек?

Ранги саргайганга жонингни тутдинг, Жангда таланганга қонингни тутдинг, Тагинга билдирмай суз қуйганларга Кучоғингни очдинг, нонингни тутдинг, Оҳ, ўзи бекмисан, хормисан, ўзбек?

Қонингда олов бор, исён бор сенинг, Руҳингда диннат, имон бор сенинг, Тиряк шоҳ тик туриб жон берган юртсан, Ким айтар, ичингда қўён бор сенинг? Мардмисан, лабзингга ёрмисан, ўзбек?

Ота юрт, она халқ эркинг ўзингда, Белбоғнинг белинга, бўркинг ўзингда, Аёлинг бўшамас бешик бошидан, Эрларинг гурури, кўркинг ўзингда, Йўлингга тушиб ел, ерлисан ўзбек, Ўзингни бир кўрсат, бормисан ўзбек?!

Самарқанд вилоят кутубхона-сида тиббёт бўлими ташкил этилди. Унда тиббётга оид 8 миңдан ортиқ адабиётлар ўқу-луғлини, иқтисослаштирилди. Бу ишларга тажрибали кутуб-хоначи Ҳўршида Абдураҳмо-нова бош-қош бўлди. Бўлим шу йилнинг январ ойидан бер-ри китобхоналар хизматида.

СУРАТДА: бўлим мудири Ҳўршида Абдураҳмонова.

Мустақиллик шарофати

Самарқанд вилоятида шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари уюшмаси тузилганига бир йили йилдан ошди.

Шундай уюшма зарурлигини даврининг ўзи таъюво қилди. Не-гани, жумҳуриятимизда деҳқончи-лик ва чорвачилик маҳсулот-ларининг қарийб 40 фоиз шах-сий томоғра хўжаликларидан етиштирилмоқда. Ер, сув, иқлим шароити бир йилда икки марта ҳосил олиш имконини берадиган Самарқанд вилоятида томоғра-чилар ҳиссаси бундан ҳам кўп-роқ.

ХўЖАЛИК ШАХСИЙ, МАНФААТИ ЎРТАДА

на моллари асраш ва боқишда ҳам худди шундай тафовутлар мавжуд. Бирон томоғра хўжали-гини юритишда техникдан, ўғит-дан, уруғлик ва сувдан қийнал-са, боқининг мол-парранда со-тиб олишда қўли калталиқ қи-лади. Ана шу масалаларда шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари уюшмаси уларга амалий ёрдам қўриатишни зиммасига олган. Хозир барча туманларда шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари-нинг уюшмалари ишлаб туриб-ди. Айни пайтда вилоятда 300 миңга яқин шахсий томоғра хў-жаликлари бўлса, улардан юз миңгтаси уюшмага аъзо бўлиб қирган.

автомашина олинди. Молсиз рўзгорларга 300 бош қорамол, 500 бош қўй-эчки, 5000 дан ор-тиқ парранда сотиб олишга ёр-дам қилинди.

Хозир шахсий ёрдамчи хўжа-лик эгаларининг юздан ортиғи ўзларининг кичик корхоналари-ни очиб олдилар. Уларнинг яр-мида қишлоқ хўжалик маҳсулот-лари қайта ишланса, ўн беш-тасида чорвачилик маҳсулотлари етиштирилмоқда. Яна йигирма-таси қурилиш материаллари иш-лаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан шуғулланипти. Умуман, аста-секинлик билан бўлса-да, олинаётган даромад-дан оборот маблағлари ҳосил қилиб, тармоқни янада ривож-лантириш чоралари қўрилади. Хусусан, шу йилнинг ўтган о-ли-ти ойи мобайнида аҳолига 7 мил-лион 387 миң сўмлик хизмат кўрсатилди. Унинг 780 миң сў-мини соф фойда ташкил этди. Бу катта ишнинг бошланғичи, хо-лос.




Гўзалкент туманидаги «Галаба» жамоа хўжалигининг Тошқувват Шодиев бошлиқ бригадаси аъзо-лари 95 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта хирмони уйишга ҳаракат қила-тирлар. СУРАТДА: бригаданинг илгор аъзоси Маҳбуба Ниятова. Ғ. АЛИЕВ олган суратлар.

Президент совринини олган йигит

ЯНГИБОҒЛИК АБДУҚОДИР ПОЛВОН

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ХОТИРАСИГА
БАҒИШЛАБ МИЛЛИЙ КУРАШ БЎИЧЧА
ШАҲРИСАВЗДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО
МУСОБАҚАЛАР ҒОЛИБИ БЎЛДИ.



КУРАШНИНГ бухорча усули бўйича бундай обрўли мусобақа бўлишини айтишдан Абдуқодирнинг вужудда илқиб бир ҳажон қулушга келди. Студентлик йиллари қандай эди. Ҳамкурс дўстлари, тенгқурлари билан кураш тушарди. Институтнинг спорт зали уларнинг эди. Энди эса бутунлай ўзгача. У институтни тугатиб, шу ерда ишга қолди. Тенгқурларнинг деярли ҳаммаси жумҳуриятимизнинг турли бурчақларига сингиб кетди. У эса домла сифатида талабалар билан машқлар ўтказди. Лекин, аячадан бундан бундан дурустроқ рақиб билан бел олишгани йўқ. Машқ бошқоқа, чинака-

мизга кураш тушиш бошқа. Полвон учун кураш тушиш энг яхши машқ. Курашда киши чинқиди, ўзининг нималарга қодир эканини яхши англайди. Ҳақиқий курашгина полвонни чинқитириди. Абдуқодир шу йиллар билан, мусобақаларга тайёргарлик қилиш мақсадида ўстози Омон Тўямуродовдан оқ йўлга олиб, Шахрисабзга жўнади. Чунки, пойтахтнинг димиққан ҳавосидан кўра Шахрисабзда мусобақаларга тайёргарлик қилиш унинг учун маъқул эди. У тўғри ўзини катта спортга олиб кирган ўстози Холбооб Авлоқулов ҳузурига келди. Устоз-шогирд узоқ суҳбатлашиб, бу талғи беллашуларнинг мураккаблигини муҳокама этишди. Чунки, мусобақаларда чет эллардан ҳам номдор полвонларнинг келиши кутилаётган эди. Абдуқодир Шахрисабзда тиним билгани, бекор тургани йўқ. Ўстози Холбооб ака ҳам унинг хотиржам бўлишига йўл қўймади. Машқлар кураш тушишлар билан алмашиниб турди. Шахрисабзнинг тоза ҳавоси Абдуқодирга тинчлик бахш этган, унинг руҳини тетик қилди, вужудига бардамлик олиб кирган эди. Полвоннинг бетиним меҳнати мусобақаларнинг учинчи — якуновчи кунини ўз ку-

Наманганда анъанавий байрам

ГУЛ—ШОДЛИКДАН НИШОНА

Гуллар шаҳри Наманган 22—23 август кунлари одатда гул байрамини 32 марта ўтказди. Бу йилги маросим жумҳуриятимиз истиқлолининг бир йиллигига бағишланиб, «Гулла, яшна мустақил Ўзбекистон!» шiori остида бўлди. Карнай-сурнай садолари, дилрабо қўшиқлар, юракни сел қилувчи оҳанглар бир-бирига уланиб кетди.



Наманган шаҳар коммунал хўжалик ишлаб чиқариш бирлашмаси азалдан гулчилар сулоласини етиштирган меҳнат жамоалардан ҳисобланади. «1 сентябрь — Ўзбекистон мустақиллиги кунин» корпорациясини табиий гулдан тайёрлашган. Унда кўраран замин ҳам, мустақил давлатимизнинг рамзи — байроғимиз ҳам, тинчлик рамзи бўлган оқ кантар ҳам худдас, ҳамма-ҳаммаси аниқ этган. Гулчилар устаси Маълум Давлатова, Салима Парпиева, Зоҳида Юсупова, Марғуба Юнусовалар санъатига таҳсин айтмаганлар бўлмади. Наманган тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси аҳли жамоасининг фаоллигини байрамда иштирокдан ҳам билса бўлади. Икки кун давомда улар яратган гуллар, қўшма корхонада тикилган қўйлақлар кўргазмасидан талабдорлар узилади. Жамоа кошда ташкил этилган «Ченар» дастаси чинқиларидан эса меҳмонлар беҳад мамнун бўлдилар.

Наманганликлар учун гулчилик санъатини ривожлантириш одағи айланиб қолган бўлса-да, биз бу йил уни янада бойитдик, — дейди Наманган шаҳар ҳокими Акмал Икромов. — Утган бир ойни тозаллик, озодаллик ойлига, деб эълон қилдик. Бу тадбир бизга азалдан табиатга меҳр, ширинсуханлик, оддийлик, ҳамжиҳатликни тарғиб қилишга хизмат қилиб келади.



Гул байрамини, айниқса, Наманган маданият билимгоҳи, Наманган шаҳридаги 22-ўрта мактаб, 10-болалар боғчаси, «Юлдуз» тикувчилик фабрикаси ва бошқа гулчилар жамоалар фаол иштирок қилишди.

Р. ИРИСОВ, Т. ҲАМРОҚУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбирлари.

СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.

Олимпиададан кейинги ўйлар

Юз марта эшитганидан бир марта кўрган яхши, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, олимпиадаларнинг таъсирини юз соат ўзингандан бир марта томоша қилган маъқул. Афсуски, жуда кам сонли ҳамюртларимиз бундай аниқликларнинг гувоҳи бўлишган. Шунинг учун 2000-йилда ўтказилган олимпиада пойтахтгагина номзодлар орасида Тошкент шаҳримизнинг борлиги кўнақларни қолдирди. Агар яна санки йилдан кейин олимпиада ўйинлари Мустақил Ўзбекистонимизда бўлса, халқимиз спорт мусобақалари байрам эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қиларди.

Ҳозирги кунда спорт мусобақаларимиз (футбол ўйинларини ҳисобга олганда) томошабинларсиз ўтади. Етмишинчи йилларда Руфат Рисиёв галабаларидан кейин «Алломиш» (илгариги «Обилейний») спорт саройини бокс ишқибозлари тўлдиргани эдимизда. Кейинги пайтларда эса шарқона аккама-якка ва миллий кураш турлари ўз мулкларини топишда. Бу спорт болалар ўйини, катталар учун иккинчи даражали, деган зарари қаданинг аста-секин онгимиздан чиқиб кетаётганидан далолатлар.

Шуро тузунин даврида спортга эътибор берилганини танидилик эътибор, Олег Басиллавили сузаришдан ҳам билиш ола бўлади. Унинг шаходат берилиши соҳиб ССЖИДА маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантириш учун Давлат бюджетининг 0,25 фоизи ажратилган экан. Холбоки, Японияда биргина маориф соҳасини ривожлантириш учун 1948 йилдан бошлаб Давлат бюджетининг қарий 25 фоизи сарфланганда. (Ҳозирги кунда Япония парламенти бу кўрсаткични 50 фоизга кўтариш ҳақида фикр юритмоқда). Маориф тизиминда эса жисмоний тарбия дарсларига катта эътибор берилди. Шунинг учун япон спортчиларининг Барселона олимпиадасида 22 та туркум медаллари кўлга киритганининг режалар тизим-тарбиянинг маъқули, деб қараш керак.

Шимоллий Курия (Курия Халқ демократик республикаси) ва Жанубий Курия спортчиларининг олимпиадада эришган натижаларининг ибратли томони бор. Мазкур курия, улар Иккинчи жаҳон урушидан кейин янгилашган. Жанубий курияликлар дарҳол таълимий тарбиянинг Япония усулини қабул қилган бўлса, шимоллий курияликлар маркча-пеннен таълимга суянди. Натижа ҳам шунга яраша — Жанубий Курия спортчилари Барселонада 29 та (12 та «олтин», 5 та «кумуш» ва 12 та «бронза»), Шимоллий Курия вакиллари эса атиги 9 та (4 та «олтин» ва 5 та «бронза») туркум медалларини эгаси бўлишди. Маориф соҳасида жисмоний тарбия дарсларига жиддий эътибор берилган бўлса, сари етаклашин хитойлик спортчилар мисолида

Энди машҳур мураббийларнинг туркиялик шогирдлари олимпиадада зафар қўқинди. Зеро, америкалик баскетболчилар, хитойлик сузувчилар, кубалик бейсболчилар... булар олимпиадаларда ҳам совринли ўринлардан бирини эгалладилар. Агар бугун ҳолисанило тан олсак, ҳамюртларимиз келгуси олимпиаданинг фалон турнда совринли ўринга кўтарилади, деб башорат қилмоқчимиз. Сабаби, оддий — замин йўқ.

Йил бошида Олий Кенгашимизнинг «Жисмоний тарбия ва спорт бўлими» Қонун қабул қилиши тарихта муҳим ҳақиқат қилишди, Шурда спортчиларнинг олимпиадада зафар қўқинди. Зеро, америкалик баскетболчилар, хитойлик сузувчилар, кубалик бейсболчилар... булар олимпиадаларда ҳам совринли ўринлардан бирини эгалладилар. Агар бугун ҳолисанило тан олсак, ҳамюртларимиз келгуси олимпиаданинг фалон турнда совринли ўринга кўтарилади, деб башорат қилмоқчимиз. Сабаби, оддий — замин йўқ.

Катта воқеа бўлди. Фирқимизни далиллаш учун қонуннинг фақат 3-моддасига эътиборингизни қаратимиз: «Ота-оналар, ҳомиёлар, вакиллар вакилларнинг ўзини босувчи шахслар оиладаги болаларнинг жисмоний ва саломатлиги тўғрисида қайғуришлари, жисмоний тарбия-спорт машқлари учун уларга зарур шароитлар яратиш бўлиши ва қўшма соғлом турмуш тарзида ўзлари шахсан намуна кўрсатишлари шарт». Агар шу модда жиндай амағ ошса Тошкент кўчалари ҳам Пекин кўчаларига ўхшаб тонгда жисмоний тарбия билан шуғулланувчиларга тўлиқ кетарди. Еки аҳолига итмиэли равишда спорт ашёлари сотиш йўлга қўйилди, шу соҳага оид жинҳозлар ишлаб чиқарувчи корхоналар куриш бошлаб юбориларди. Таассуфки, ҳозирги кунда данадек келадиган теннис шарининг баҳоси 4 сўм 15 тийинга кўтарилди, жумҳуриятимизда спорт маъқулотири ишлаб чиқаришга ихтирослашган энг корхоналар куриш мақд сурталар билан давом этаётди, деб бўлмайди.

Энди кунин кеча ниҳоятга етган олимпиадада иштирок этган 17 нафар спортчимиз натижаларига тўхтасак. Аввало уларнинг жумроғи ўринга назар ташлайлик — Сергей Сирцов Нукусдан, уч нафар чим хоккейчилари Андижондан, олимпиадаларда бошқоқчилик қилганлар йўқ. «Улуғ оғачилик кайфияти онгимизда қолгани учун вакилларимиз миллий тарбия бини ҳам кўздан кечирмас ва туб миллатга мансуб спортчимиз тополмасдан афсусланамиз.

Тарихта муҳим ҳақиқат қилишди, Шурда спортчиларнинг олимпиадада зафар қўқинди. Зеро, америкалик баскетболчилар, хитойлик сузувчилар, кубалик бейсболчилар... булар олимпиадаларда ҳам совринли ўринлардан бирини эгалладилар. Агар бугун ҳолисанило тан олсак, ҳамюртларимиз келгуси олимпиаданинг фалон турнда совринли ўринга кўтарилади, деб башорат қилмоқчимиз. Сабаби, оддий — замин йўқ.

Розалия жамоа биринчилиги натижасига кўра 8-ўринни эгаллаб, кўп кураш мусобақасига қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди. Лекин мураббийлар унинг ўрнига шахсий ҳисобда 9-ўринни эгалладилар. Галиеванинг кўп курашда қўлиб чиқиш эҳтимоли бор эди. Бу «марказдагиларнинг» ўзбекистонликларга нисбатан спорт соҳасида кичик мисолдир. Яхшиям, келгуси олимпиадалардан бошқоқчилик қилганлар мустақил жамоа сифатида қатнашадилар.

Сергей Сирцовнинг биринчи ўринини эгаллашга ҳисоб-итибонини яхши билгани ҳақиқат берди, дейиш мумкин. У биринчи машда ишонарди қатнашиб, 190 кг оғирликдаги тошни кўтарди. Асосий рақиб Кахи Кахнашвили эса 177,5 кг билан кифояланди. Сергегиникини ҳисобга қўлганда 222,5 кг натижа кўрсатди, ҳоланки, Кахи унга тўғралиши учун жаҳоннинг шу вақтдаги энг юқори кўрсаткичи ҳисобланган 235 кг тошни кўтаришга маж-

бур эди. Сирцов шундай ҳисоб-китобга берилмасдан, 225 кг натижага кўрсатганда, олтин медалга эришди. Олимпиадада эса туркистонлик полвон 235 кг тошни кўтариб, вакилимизни 2-ўринга сурди. Боксчимиз Артур Григоряндан ундимиз катта эди. Лекин у иккинчи баҳсдаёқ мағлубиятга учради. Шу ўч спортчимиз натижаларига алоҳида тўхталганимизнинг босис улар шахсий биринчилиги бўлган бўлса, биринчилик мумкин эди. Келгусига кўра Бирлашган жамоа аъзолари шахсий биринчиликда қўлиб чиқишга, улар шароитига ўз Ватанларининг баърига кўтарилиб, қадрдон маъқули янгарди. Алқисса, Барселонада Ўзбекистон мадҳияси янгарди. XXV олимпиадада энгил атлетикачимиз Марина Шюмина олтин, мерганимиз Анатолий Асрабоев кумуш ва қилчболларимиз Валерий Захаревич бронза медалларини олишди. Олимпиадада муҳими иштирок этиш, деган шир бор. Шунинг учун иккинчи даражада қатнашган бошқа спортчиларимизга ҳам ҳурмат билан қарашимиз лозим. Уларнинг орттирган тажрибалари келгуси мусобақаларда асқотиши турган гап. Олимпиада совриндорлари Ватанларига қайтишадилар, уларни тақдирлаш одат тусига кирган. Хўш, Барселона олимпиадасида гулчиликнинг қандай мукофотлар кўлтирди. Биринчи ўринни эгаллаб қар бир испаниялик спортчи 1 миллион доллар эгаси бўлишди. Голлиб чиққан ҳар бир АҚШ жамоаси вакили 50 миң доллардан олишди. Иккинчи ўринини эгаллаган Тайван бейсболчиларига (улар 20 киши) Давлат томонидан 4,5 миллион доллар ажратилди. Уйлашимизки, олимпиадада зафар қўқинган ҳамюртларимиз эътибордан четда қолмайди. Зеро, ҳар бир меҳнатнинг ўз вақтида муносиб тақдирини муваффақиятлар гаровидир.

1996 йилда Атлантада ва кейинги ҳафта йилларида ўтказилган олимпиадаларда ҳамюртларимиз муваффақиятли қатнашиш учун ҳозирдан энг шимариб ишга киришимиз керак. Бунда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» қонунимизни ўзинига дастур билишимиз, маориф тизимининг жисмоний тарбия дарсларига эътиборини қаратишимиз, вилоятларимиздаги тўғра истеъод соҳибларини тинмай излашимиз ва спортчиларимизни ҳақиқо мусобақаларга жўнатишимиз ихчамроқ бўлиши топишимизга тўғри келади. Шунингдек, Тошкентимизнинг олимпиада пойтахти бўлиб рўйхатга олиншига эришимиз лозим. Чунки, олимпиада ўйинларига бе-носита гувоҳ бўлганлар жисмоний тарбия ва спорт инсон турмуш тарзининг узвий бир қисми эканлигига имон келтиришларига шубҳа йўқ.

Асрор МУМИН ўғли.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608, Вуяртага Г—197.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузурдаги
Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖҲРАБОЕВ.

ТАҲРИР ҲАҲАТИ:
Карим БАҲРИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эриш САМАНДАР, Азиз СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧНИЙ (масъул котиб, «Народное слово»), Мухтарам УЛҲОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Рани ФАРҲОДИН, Шовкат ҲАЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Саидхорр ҲОЛМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

● Таҳриратга ҳақини 7 қозоддан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга эъза жавоб қайтарилмайди.